O'ZBEKISTON RESPUBLIKA MILLIY KUTUBXONASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
13 AVGUST
SESHANBA
№ 97 (26.956)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ХДП ХАБАРИ

## ЯНА ИККИ МИНТАҚАВИЙ СЕМИНАР-КЕНГАШ

Шу йилнинг 7 ва 9 август кунлари Термиз ва Қаршида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан ўтказилаётган минтақавий семинар-кенгашларнинг навбатдагилари бўлиб ўтди. Уларда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари партия ташкилотларининг фаоллари, яъни вилоят, шаҳар ва туман партия кенгашлари ижроия бюролари аъзолари, партия кенгашлари аппаратларининг масъул ходимлари, ХДПдан сайланган депутатлар қатнашдилар. Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов семинарларда **«Мамлакатдаги парламент ислоҳоти ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг долзарб вазифалари»** мавзуида маъруза қилди. ЎзХДП Сурхондарё ва Қашқадарё вилоят партия ташкилотлари раҳбарлари Ҳ.Эрматов, Ф.Омонов ва қатор шаҳар, туман кенгашлари биринчи котиблари жойларда, Марказий Кенгаш IV пленуми қарорлари бажарилишини таъминлаш мақсадида, олиб борилаётган ишлар тўғрисида ахборот бердилар.

Тадбирлар давомида, ички партиявий муаммолар (партия тузилмаларини такомиллаштириш, раҳбар кадрларни танлаш ва тарбиялаш ишини яхшилаш ва ҳоказолар) билан бир қаторда, Ўзбекистон ХДПнинг мамлакатимизда бошланган парламент ислоҳотида, айниқса, бунга тайёргарлик кўриш жараёнида унинг иштироки, жумладан Олий Мажлисдаги ХДП фракциясининг ушбу жиддий ўзгаришларнинг қонунчилик заминини яратиш ишига кўмаклашиш борасидаги вазифалари масаласи катта ўрин эгаллади. Шу билан бирга, партия ташкилотлари ва ХДПдан сайланган давлат ҳокимияти вакиллик идоралари депутатлари қонунларни тарғиб қилиш билан чекланмай, жойларда ислоҳотларнинг турли (қишлоқ хўжалиги, коммунал хўжалик, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа) соҳаларда боришини чуқур таҳлил этишлари, мавжуд хато ва камчиликларини тугатишга кўмаклашишлари, бунинг учун зарур бўлган амалий чораларни кўришлари лозимлиги таъкидланди.

Қаршидаги семинар-кенгашда Қашқадарё вилоят ҳокими ўринбосари Н.Ҳакимов сўзга чиқди ва ҳоким ўринбосари Д.Холбоева қатнашди, Термиздаги тадбирда Сурхондарё вилояти ҳокими муовини Қ.Мадартов иштирок этди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ЎТГАН ҲАФТА:
**ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ**

## ОРЗУЛИ, МОҲИЯТЛИ, ШУКУҲЛИ КУНЛАР

Ўтган ҳафтанинг энг муҳим, қувончли воқеаларидан бири — бу Президентимиз Ислом Каримовнинг мураккаб ва масъулиятли синовлардан муваффақиятли ўтиб, дунёда энг ривожланган давлатлардаги нуфузли олий илм даргоҳларида таълим олиш ҳуқуқини қўлга киритган «Умид» жамғармаси грантлари соҳибларига йўллаган табриги десак, муболаға бўлмайди...

Дарвоқе, «Умид» жамғармаси 1997 йилда Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, у иқтидорли ёшларнинг чет элда таҳсил олишларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган эди. Зеро, давлатимиз раҳбари ўшанда бу ишнинг замирида Ўзбекистоннинг буюк келажагини ва халқимиз қалбидаги эзгу мақсадлар, орзу-интилишлар билан бирга мустабидлик йилларидан қолган ўкинчу армонларни ҳам кўролган эди. Ватанимизнинг Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Навоий, Бобур сингари кўплаб буюк мутафаккирлари сочиб кетган илму маърифат уруғи бугунги мустақил Ўзбекистон ёшлари тимсолида янгидан ҳосил беришини, улар келажакда, албатта, аллома аждодларимиз ворислари бўлиб етишиши кераклигини дил-дилдан истаган эди.

Ўша истак, ўша ташаббус орадан беш йил ўтар-ўтмас ўз самарасини бермоқда. Ўтган давр ичида мамлакатимиздан 785 нафар йигит-қиз АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Италия, Канада сингари тараққий этган давлатларнинг олий ўқув юртларига бакалавр ва магистрлик даражасини эгаллаш учун ўқишга юборилди. Улардан ҳозир 519 нафари республикамизнинг қатор вазирлик, идора, ташкилот ва корхоналарида муваффақият билан фаолият кўрсатмоқдалар.

Президентимиз жамғарманинг бу галги грантлари соҳибларига ҳам катта ишонч билдириб, уларга йўллаган табригида жумладан шундай дедилар: **«Мен сизларнинг сиймонгизда Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини, ота-оналарингиз, устоз-мураббийларингиз, бутун халқимиз қалбидаги эзгу ва олижаноб интилишларнинг ёрқин ифодасини кўраман».**

Эътибор беринг, Юртбошимиз «...ота-оналарингиз»нинг ҳам «эзгу ва олижаноб» интилишларини кўраман демоқда. Бунга ёрқин бир мисол: Тошкент шаҳри, Сирғали туманидаги 47-мактаб ўқитувчиси Қундуз Камолова жамғарма грантлари топширилаётган лаҳзаларда ўзининг қалб сўзларини шундай ифодалади: **«...мендай оддий бир ўқитувчининг боласи Англияда таҳсил олиши чинакам бахт! Бундай дамларни илгари фақат орзу қилардим... Қаранг, шундай дам келди, шундай бахтга муяссар ҳам бўлдим. Болам Сарра университетининг магистратурасида ўқийдиган бўлди. Илоҳо, Юртбошимиз ўз меҳнатлари роҳатини кўрсинлар...»**

Бу — биргина Қундуз опанинг орзуси, бахти ёки дуоси эмас, балки минглаб ота-оналарнинг ҳам дил сўзлари, қалб ташаккурларидир.

Ўтган ҳафтанинг эътиборга ҳам, савобга ҳам молик воқеаларидан яна бири — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2002 йилнинг 1 сентябридан бошлаб, ўқитувчилар ва ўқув юртлари муаллимларининг, илмий ходимларнинг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекканлиги бўлди.

*(Давоми 2-бетда)*

**«ОЗОД МАМЛАКАТНИНГ ОЗОД ФАРЗАНДИ БИЛИБ ҚЎЙКИ, СЕНИ ВАТАН ҚУТАДИ!» ФОТОТАНЛОВИГА**



*Мамлакат умиди, миллат таянчи бўлган ёшларимиз, умид ниҳолларимиз кўкка бўй чўзмоқда. Эртага улар жаҳон майдонларида ўзбек шони, шуҳрати учун курашадилар.*

*Наманган вилояти, Поп туманидаги Б. Сиддиқов номли 10-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Ботиржон Жумаев ана шундай иқтидорли ёшлардан. У спортнинг таэквондо тури бўйича республика чемпионати кумуш медалига сазовор бўлган.*

*Ботиржоннинг орзулари кўп. У келажакда халқаро мусобақаларда ғолиб бўлиб, Ўзбекистон байроғини баланд кўтариш ниятида.*

*Ўзбекнинг жасур, ботир, паҳлавон ўғлонлари ҳеч кимдан кам эмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатаяпти...*

■ **Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат**

## ХОМАШЁ КЎПАЙМОҚДА

Бекободда қора ва рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш, қайта ишлашга топшириш-ни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш республика комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, қўмита, идора ва ташкилотлар, шунингдек, ҳудудий бошқарув органлари, иккиламчи металл хомашёсини йиғиш ва топшириш билан шуғулланувчи муассасалар раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, мазкур комиссия раиси И.Жўрабеков бошқарган йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатимизда қора ва рангли металл парчаларини тўплашни кўпайтириш имкони мавжуд. Уларни пешма-пеш металлургия комбинатига жўнатиш долзарб вазифалардан биридир. Зеро, металл парчалари қайта ишлангач, барча турдаги саноат корхоналари учун зарур хомашёга айланади.

Йиғилишда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида қора ва рангли металл парчаларини тўплаш ва тайёрлаш бўйича белгиланган режа асосан бажарилгани таъкидланди. Шу билан бирга жойлардаги айрим ташкилот ва корхоналар хомашё етказиб беришда сусткашликка йўл қўймоқда.

Шу боис йиғилишда тегишли вазирлик, қўмита, ташкилот ва вилоятлар раҳбарларига қора ва рангли металл парчаларини йиғиб топшириш борасидаги режаларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш бўйича зарур топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

■ **(ЎзА)**

DUNYO
VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

### НЕМИС ҚЎШИНЛАРИ ҚАТНАШМАЙДИ

Ироққа қарши ҳар қандай ҳарбий операцияларда немис қўшинлари иштирок этмайди. Бу ҳақда Германия канцлери Герҳард Шрёдер баёнот берди. Бундай қароргa келинишининг сабаби, Германия аскарлари ўзга давлатлардаги ҳарбий ҳаракатларда ҳаддан ташқари кўп иштирок этаётганидир.

«Хорижда фаолият юритаётган ҳарбий кучларимиз сони жиҳатидан Германия дунёда АҚШдан сўнг иккинчи ўринда туради. Шу кунларда 10500 аскаримиз Германия ташқарисида хизмат вазифасини ўтамоқда», деди Г.Шрёдер.

### ГАЗЕТА РАҲБАРИ БОШ ВАЗИР БЎЛДИ

Жанубий Корея Президенти Ким Дэ Чжун мамлакатда чиқадиган иқтисодий газета — «Maeil Business Newspaper»нинг раҳбари Чэнг Дэ-Ванни Жанубий Корея бош вазири этиб тайинлади.

50 ёшли Ченг Дэ-Ван мамлакатнинг биринчи аёл бош вазири истеъфо бергач, унинг лавозимини эгаллади.

### ҚЎРИҚЛАШ КУЧАЙТИРИЛДИ

АҚШ Президентини қўриқлаш хизмати Президент резиденцияси — Вашингтондаги Оқ уй атрофида хавфсизлик чораларини кучайтиришга қарор қилди, яъни қўриқлаш тизимини янада мустаҳкамлади.

Гап шундаки, махфий хизмат ҳар қандай кўринишдаги террорчилик актлари содир этилишининг олдини олиш мақсадида Оқ уй атрофидаги 8 мавзеда юк машиналари ҳаракатланишини тақиқлади. Оқ уйга яқин 4 мавзеда эса умуман ҳар қандай машиналарнинг тўхтаб туриши маън этилди, дея хабар беради Assosiated Press ахборот агентлиги.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

## «ТУШОВЛАНГАН УЛОВЛАР»

«Самарқандтранс» автомобилда юк ва йўловчи ташиш уюшмаси газетанинг шу йил 23 май сонида чоп этилган «Тушовланган уловлар» мақоласига жавобан қуйидагиларни маълум қилади:

*«Мақола чоп этилгандан сўнг, Каттақўрғон автобус-таксамотор саройининг 14 миллион сўмлик қарзидан 7 миллиони ундириб олинди. Корхонанинг иқтисодий аҳволини яхшилаш мақсадида алоҳида чора-тадбир ишлаб чиқилди.*

*Узоқ муддатдан буён туриб қолган автобус ва таксиларни хусусийлаштириб, ундан тушган маблағларни ойлик маош сифатида ишчиларга тарқатиш, корхона томонидан кредит олиб 10 та «Дамас» русумли автомашиналарни сотиб олиш учун бизнес-режа ишлаб чиқилди.*

*Мақола уюшма умумий кенгаш йиғилишида муҳокама қилиниб, Каттақўрғон автобус-таксамотор саройи директори И.Ибрагимовга нисбатан йўл қўйилган камчиликлари учун ўртача ойлик маошининг йигирма фоизи миқдорида жарима солинди.*

■ **«Самарқандтранс» автомобилда юк ва йўловчилар ташиш уюшмаси бош директори ўринбосари Ф. РАҲМОНОВ».**

ГАЗЕТАДА БОСИЛМАДИ, АММО...

## КЎЧА КЕНГАЯДИГАН БЎЛДИ

Жиззах шаҳри «Ҳамзаобод» маҳалласи, Фирдавсий кўчаси, 35-уйда яшовчи Усмон Мамадалиев таҳририятимизга шикоят йўллаган эди. Унда: «Маҳалламиз ҳудудидаги Абдулла Қаҳҳор кўчасининг ўрта қисмидан 250 метр узунликда, эни 16 метр кенгликдаги жойи 8 йил муқаддам Ҳамза кўчасида яшовчи фуқаролар Тўрақулов Кенжа, Тўрақулов Қудрат, Обидхонов Ҳасан, Акабиров Имом, Азимов Ибод ва Одилов Илҳомлар томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олингани, пиёда ва транспорт қатнови учун шароит қолмаганлиги» баён этилган эди.

Шикоят-ариза вилоят ҳокимлигига жўнатилгач, мутасаддилар томонидан ўрганиб чиқилди. Таҳририятимизга йўлланган жавоб мактубида жумладан шундай дейилади: *«Бугунги кунда аризада кўрсатилган кўча 6,5 метр кенгликда очиб берилган, келгусида йўл 14 метр кенгликда очилиши вилоят архитекторлар кенгашида ва Жиззах шаҳар бош режасининг муаллифи «Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг архитектура ва шаҳарсозлик кенгашида тасдиқланган.*

*А.Қаҳҳор кўчасида яшовчи фуқароларга вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан кўча учун қолдирилган 14 метр кенгликдаги жойга ҳар хил дарахтлар экмаслик, қўшимча иморатлар қурмаслик тўғрисида огоҳлантириш хатлари берилди.*

*Шунингдек, ушбу кўчанинг 14 метр кенгликда очилиши бўйича шаҳар ҳокимининг қарори қабул қилинган бўлиб, ариза муаллифига кўрилган чора-тадбир тўғрисида жавоб хати орқали маълум қилинди. Ушбу масала вилоят ҳокимлигининг назоратига олинди.*

■ **Жиззах вилояти ҳокиминнинг ўринбосари С.СУБХОНҚУЛОВ»**

БУ ҲАҚДА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДА ГАПИРИЛГАН ЭДИ

## ЛОЙИҲА ПУХТА БЎЛСА...

### ЁКИ АЙРИМ ЛИЦЕЙ ВА КОЛЛЕЖЛАР ҚУРИЛИШИДАГИ МУАММОЛАР ХУСУСИДА

Қамаши туманида Чим қишлоғи бор. Юртбошимиз шу жойдаги А.Умарий номли мактабнинг аҳволи билан ўтган йили келганларида танишган эдилар. Ҳозир янги, кўркам бино қад кўтарган. У туманда қурилаётган ўнлаб ўқув масканларидан биттаси. Мамлакатимиз раҳбари туман марказидаги 900 ўринли педагогика коллежи билан ҳам танишиб, муҳим таклиф ва мулоҳазаларни билдирган эдилар. Уларнинг барчаси амалга ошди — айни пайтда коллежда бошқа бир неча хил ихтисосларни ўргатиш борасида зарур шароитлар яратилди.

Ҳа, мамлакатимиз келажаги тақдирини ўз қўлига оладиган ёш кадрларни тарбиялаш учун ҳеч нарса аялаётгани йўқ. Катта маблағлар сарфланмоқда, энг замонавий ўқув масканлари бунёд этилаяпти. Фахрланса арзийдиган ишлар бениҳоя. Бироқ ютуқлар соясида айрим нуқсонлар ҳам кўзга ташланмоқдаки, бундан кўз юмиш мумкин эмас. Вазирлар Маҳкамасининг ярим йиллик натижаларига бағишланган йиғилишда Президентимиз бу ҳақда шундай дедилар: **«Лицей ва коллежларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича тайёрланаётган лойиҳа-смета ҳужжатларининг сифати ҳам жуда кўп эътирозларга сабаб бўлмоқда. Айниқса, қурилиш учун тендер савдолари ўтказиш тартибларининг бузилишига мутлақо тоқат қилиб бўлмайди».**

Вазифалар қўйилди, хатолар айтилди. Қашқадарё вилоятида ярим йиллик натижалар муҳокама қилинган йиғилишда ҳам ана шу вазифалар ва бугунги кун талабларига катта эътибор қаратилди. Вилоят ҳокими Б.Ҳамидов ютуқларни ҳам, муаммоларни ҳам атрофлича таҳлил қилиб берди. Агар ҳозиргача 2 та академик лицей, 20 та касб-ҳунар коллежи ишга туширилган бўлса, яна 2 та янги бино қурилмоқда ва 10 жойда таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Юз берган охирги зилзиладан кейин қурилиши бошланган 94 та мактаб биносини тезроқ қуриб битириш чоралари кўрилаяпти. Умуман, 2003 йилда вилоятда бирорта авария ҳолатидаги мактаб қолмайди.

Кўриниб турибдики, амалга ошаётган ишлар кўлами ҳам, режалар ҳам салмоқли. Бироқ вилоят ҳокими эътироф этганидек, айрим касб-ҳунар коллежларининг тендер баҳоси ошиб кетмоқда. Қурилишда ҳал қилиниши керак бўлган кўпгина масалалар устида бош қотириш лозим...

Йўлим тушиб, «Яккабоғ» қўрғонида фойдаланишга тахт қилиб қўйилган коллеж билан танишдим. Бу ўқув масканида саноат ва қурилишлар учун зарур касбларни эгаллайдиган 900 ўқувчи таълим олади. Қурилишнинг бош пудратчиси — «Қаршиуйжойсаноатқурилиш» ҳиссадорлик жамиятига қарашли Шаҳрисабз кўчма жамланмаси. Тўрт қаватли, кўплаб фан хоналари, устахона ва бошқа қулайликларни ўз ичига олган муҳташам бино. Қурувчилар ёмон меҳнат қилишмаган. Айрим коллежларга қараганда анча сифатли эшиклар ўрнатилган. Бироқ ўрганиш жараёнида айрим эътирозлар туғилди. Масалан, юқори қаватларга олиб чиқувчи лифт фойенинг ўртасида ўрнатилибди. Зиналарга тақалиб алоҳида «кабина» ясалибди.

— Лифтга алоҳида жой ажратиш керак эмасмиди? — сўрайман қурувчилардан. — Мана қаранг, лифт ва зина фойенинг катта қисмини эгаллаб олган. Бундан ташқари зинадан чиқаётганда лифтнинг орқаси қоронғи бўлиб қолади. Нима, доим чироқ ёқиб қўйиладими? Лифт учун ясалган «кабина» ҳам умумий кўринишни бузиб турибди.

*(Давоми 2-бетда)*

ЎТГАН ҲАФТА: ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

# ОРЗУЛИ, МОҲИЯТЛИ, ШУКУҲЛИ КУНЛАР

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

— Янги ўқув йилидан бошлаб илмий ходимларнинг, ўқитувчилар ва муаллимларнинг иш ҳақи ўрта ҳисобда 1,2 баробарга ошиши, — дейди Тошкент давлат юридик институти ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди, доцент Абдусалом Норбоев, — халқ манфаатларига жавоб берувчи мустақил иқтисодий сиёсат мевасидир. Бу — мамлакатимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш воситалари такомиллашаётганидан ва шахсан Президентимизнинг илм аҳлига меҳри-муҳаббати, ғамхўрлиги беқиёслигидан далолат...

Домланинг лўндагина бу таърифига изоҳнинг ҳожати йўқ. Фармон бандларини диққат билан ўқисангиз ва асл мағзини чақсангиз, уларда кўзланган мақсад битта: кадрлар меҳнатини қўшимча равишда рағбатлантириш, илмий ходимларнинг, умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг, академик лицейлар ҳамда касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари муаллимларининг ижтимоий-маиший ҳамда моддий турмуш шароитларини яхшилаш.

Зеро, шундагина уларнинг қўлида таълим ва таҳсил олаётган фарзандларимиз Юртбошимиз таъбири билан айтганда, биздан кўра билимли, биздан кўра кучли, доно ва албатта, бахтли бўлади. Шундагина, бутун онгли ҳаётимиз давомида муттасил ўқиган, ўрганган, хусусан, ёш авлодга буюк боболаримизнинг маънавий уйғоқлик йўлидаги улуғ ниятлари ва ишларини давом эттиражакларига эришган бўламиз. **«Чунки,** — деганди давлатимиз раҳбари ҳали 1996 йилдаёқ ўзининг **«Тарихимиз ҳам, келажагимиз ҳам муштарак»** номли асарида, — **ёшларнинг маънавий уйғоқлиги миллатни ғафлатдан асровчи асосий омиллардан биридир».**

Демак, сўз юритилаётган Фармон замиридан кутилган энг муҳим мақсадлардан бири ҳам шу!

Ўтган ҳафтада газеталар, телевидение ва радио ахборотларини кузатиб борган бўлсангиз, шарҳлаш лозим бўлган воқеалар кўп. Президентимизнинг Оқсаройда Японияниг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Киоко Накаямани ўз дипломатик миссиясини муваффақиятли якунлаб, юртига қайтиши муносабати билан қилган қабули, айниқса, алоҳида аҳамият касб этди. Элчи хоним ўз фаолияти мобайнида Япония билан Ўзбекистон ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-маданий соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларининг юксак даражада ривожланишига шубҳасиз, катта ҳисса қўшолди.

9 август куни Оқсаройда АҚШ Қуролли Кучлари штаб бошлиқлари бирлашган қўмитаси раисининг ўринбосари Питер Пейснинг бўлиши ҳам бугунги жаҳон сиёсий харитасида кечаётган воқеалар ривожида ўз ўрнига, ўз мавқеига эга. Қабулда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида декларация имзоланган — ўзаро алоқаларда самара бераётгани мамнуният билан таъкидлаб ўтилди. Чунончи, мазкур декларация бундан буён ҳам мамлакатлараро ҳарбий-техникавий, иқтисодий, ижтимоий ва яна бошқа қатор соҳалардаги ҳамкорлик уфқларини кенгайтиришда катта роль ўйнайверади.

Айтиб ўтиш жоизки, ўтган ҳафтадан бошлаб мамлакатимизнинг барча манзилгоҳларида — пойтахт, шаҳар, туман ва қишлоқларда **Энг улуғ, Энг азиз байрам** — Мустақилликнинг 11 йиллиги тантаналарига қизғин тараддуд бошланди. Юртдошларимизнинг мақсади ҳам, орзуси ҳам битта: Улуғ айёмни муносиб кутиб олиш ва тўйни — тўйдек, байрамни — байрамдек ўтказиш!

■ **Номоз САЪДУЛЛАЕВ**

ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТ

# ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ЁШЛАР ҲУҚУҚИ

Ўзбекистон Республикасининг ёш фуқаролари Конституция ва қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлардан тўлиқ фойдаланадилар. Ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини уларнинг ёшига қараб, қандайдир бевосита ёки билвосита чеклаб қўйишга йўл қўйилмайди, бундай хатти-ҳаракатлар амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ўқувчи ва талабаларни ўқув жараёни вақтида ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этишга йўл қўйилмайди. Бундай иш улар танлаган мутахассисликка мос бўлиб, ўқув-ишлаб чиқариш амалиётининг шакли ҳисобланган ёхуд ўқувчи ва талабалар ўқишдан бўш вақтларида ихтиёрий равишда жамоа бўлиб ёки якка тартибда меҳнат қилган ҳоллар бундан мустаснодир. Мазкур меҳнат фаолиятига меҳнат ёки фуқаролик қонунларига мувофиқ тегишлича расмийлаштирилган шартнома бўлган тақдирда йўл қўйилади.

Айтиш мумкинки, ёшлар айнан мустақиллик йилларида шундай ҳуқуқий эркинликка эришдилар.

Собиқ иттифоқ даврида бутун давлат сиёсати хомашё экспорт қилишга қаратилганлиги боис, барча мактаб, техникум, олий ўқув юртлари ўқувчи ва талабалари дала, полиз ишларига айнан ўқув жараёни вақтида сафарбар қилинар эди. Натижада, ёшлар дарсларни ўз вақтида ўзлаштира олмас ҳамда бутун кун тинимсиз меҳнат билан машғул бўлганликлари туфайли улар саломатлигига зиён етарди. Шўро даврида ёшлар борасида халқаро умумэътироф этилган, яъни ўн саккиз ёшга тўлмаган ёшлар организмининг ўсиб келаётганлиги ва турли таъсирларга берилувчанлиги эътиборга олингани ҳолда, улар ҳуқуқини муҳофаза қилишнинг алоҳида қоидаларига риоя қилинмаганлигининг гувоҳи бўлганмиз.

Бугунги кунга келиб, мустақил Ўзбекистон Республикасида ёшларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан камол топиши давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, барча шароит ва имкониятлар яратиб бериш тадбирлари қадамбақадам амалга оширилаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 77-моддасига кўра, ёшларни меҳнатга тайёрлаш мақсадида умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчиларини ўн тўрт ёшга тўлганларидан кейин, ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг розилиги билан болаларнинг соғлиғига ва камол топишига зиён етказмайдиган ҳамда таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишларни ўқишдан бўш вақтларида бажариш учун ишга қабул қилиш йўлга қўйилади.

Ўқишдан бўш вақтларида ишлаётган ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг ҳафталик иш вақти 18 соатдан, ўн тўрт ёшдан ўн олти ёшгача бўлган ўқувчилар учун эса 12 соатдан кўп бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистонда камол топаётган ҳар бир ёш ҳукуматимиз томонидан ўрнатилган шароит ва мустаҳкамланган ҳуқуқлардан фойдаланиб, интеллектуал нуқтаи назардан баркамол, билимли, ор-номусли, ватанпарвар бўлиб, ота-онаси ва халқи ишончини оқлаб, орзуларини рўёбга чиқариши ҳамда бу йўлда ёшлар учун масъул шахсларнинг ўз вазифаларини етарлича бажаришлари — давлатимизнинг буюкликка эришувига асосий омил бўлиб хизмат қилади. Ҳар бир фуқаро буни онгли равишда билиши ва амал қилиши зарур. Зеро, ҳуқуқий-демократик-давлат маърифатли ёшларга таянади.

■ **Мухтабар ҲУСАНОВА, ТДЭИ талабаси**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясига қарашли «Навбаҳор» сиҳатгоҳи шу тизимдаги ходимлар, уларнинг оила аъзолари дам олиши учун барча шарт-шароитларга эга.**

**— Сиҳатгоҳимиз 60 ўринга мўлжалланган. Бу ерда юрак, асаб, умумий ички касаллик билан оғриган беморлар соғломлаштирилади. Улар учун турли муолажалар мавжуд. Электр даво усулларининг ҳамма тури, лазер терапия, сув билан даволаш, айланма душ, балчиқ билан даволаш, бундан ташқари сауна, бассейн ҳам бор. Иссиқлик билан даволаш эса яхши йўлга қўйилган. Балчиқ Жиззахнинг Арнасой туманидан олиб келинади.**

✧✧✧

**Суратларда:** *бош шифокор Дилором Мухторова шифокорлар билан суҳбатлашмоқда (чапдан тўртинчи); Асаб касалликлари шифокори Эдия Эреджепова беморни текширмоқда.*

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

БУ ҲАҚДА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДА ГАПИРИЛГАН ЭДИ

# ЛОЙИҲА ПУХТА БЎЛСА...

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

— Биз буни кўп айтганмиз, — дейди пудратчи ташкилотнинг бош муҳандиси Носир Омонов. — Бироқ лойиҳасмета ҳужжатларида худди шундай кўрсатилган. Лифтни бошқа жойга кўчириш учун лойиҳани бутунлай ўзгартириш керак эди. Қурилиш кетаётганда эса бунинг иложи йўқ.

— Мен ҳам коллежни бориб кўргандим, — дейди Шаҳрисабз тумани бош архитектори Муртазо Мустафоев. — Айрим жузий ўзгартиришлар киритишда бизнинг лойиҳачиларимиз ҳам кўмак беришган. Қурувчилар тўғри айтишибди, юқоридан тасдиқланган лойиҳани ўзгартириб бўлмайди. Тўғри, баъзи ўзгартиришларни киритиш мумкин. Бироқ бино яхлит бўлганидек, лойиҳа ҳам шундай. Аслида бинонинг кўркам, қулай, арзон бўлиши кўп жиҳатдан лойиҳага боғлиқ...

Кейин билсам, лойиҳани «Ўзмевасабзавотузумсаноат» холдинг компанияси лойиҳачилари тайёрлашган экан. Бу ҳам ҳаммаси эмас. Коллеж директори Зебохон Қурбоновнинг айтишича, «Яккабоғ» қўрғонида 17 минг, атрофдаги қишлоқларни қўшса 30-35 минг аҳоли истиқомат қилади. Атрофда йирик саноат корхоналари, қурилишлар йўқ. Туман маркази узоқда.

Ўз-ўзидан аёнки, ўқиш учун ёшлар қўшни туманлардан ҳам келиши мумкин. Афсуски, ётоқхона кўзда тутилмаган. Четдан ўқувчи келса, қаерда истиқомат қилади?

Агар таққосласак, шу йилнинг 9 апрель куни фойдаланишга топширилган Китоб шаҳри марказидаги 900 ўринли маиший хизмат коллежи лойиҳаси кўп жиҳатдан афзал. Оддий, содда, кўркам. Лифт учун алоҳида жой ҳозирланган. Кираверишдаги фойе кенг. Энг муҳими, лифтда кўтарилишнинг хавфсизлиги кўзда тутилган. Аммо 300 ўрин ўрнига 100 ўринли ётоқхона қурилган. Коллежда касб ўрганишни орзу қилаётган ёшларнинг асосан қишлоқлардан келишини назарга олсак, бу жиддий муаммо. Нега ётоқхона қисқартирилган?

Таҳлил қиладиган бўлсак, жами харажатлар 1 миллиард 770 миллион сўмни, шундан қурилиш-монтаж ишлари 1 миллиард 540 миллион сўмни ташкил этган. Тендерда қўйилган нархдан қарийб 300 миллион сўм ошиқча сарфланган. Тўғри, тендер савдосида 1991 йилги нархлар кўзда тутилган. Қурилиш ашёлари баҳоси кўтарилиб турганлиги ва бошқа ўнлаб омиллар харажат ортиб кетишига таъсир кўрсатишини инкор этиб бўлмайди. Бироқ бошқа жиддий сабаблар ҳам йўқмикан?

Маълум бўлишича, 1999 йилнинг 25 февралида вилоятда ўтказилган тендер савдосида иккита ташкилот шу коллежни қуриш истагини билдирган. Китоб туманидаги 225-механизациялашган кўчма жамланма жамоаси ютиб чиққан ва бош пудратчи сифатида қурилишни бошлаган. Бош буюртмачи — вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси билан шартнома тузилган ва ўша йил учун ташкилот ҳисобига 40 миллион сўм, 2000 йилда 59 миллион сўм ўтказиб берилган. 2001 йилда эса қурилиш жуда катта маблағ — 1 миллиард 252 миллион сўм билан молиялаштирилган. Анча муддат бой берилган, қурилиш ташкилоти эса ночор аҳволда эди. Ашёлар таъминоти ҳам яхшимасди. Олайлик, Бекобод металлургия корхонасидан олинган металл ашёлар 20 фоиз эҳтиёжни аранг қондирарди, холос. Натижада, қурилишга кўплаб ёрдамчи пудратчи ва хусусий ташкилотлар жалб этилди. Қиммат нархда ашёлар харид қилинди. Оқибатда қурилиш нархи кескин қимматлашди.

Ҳар қандай қурилиш ташкилоти маблағ бўлса, ўз ишини шошилмай, зарарга юрмай ташкил этиши турган гап. Бош буюртмачи, шартномаларни маблағ билан таъминлаш ва сифатга масъул вилоят капитал қурилиш бошқармаси фаолиятидан нуқсонларга оид яна битта мисолни келтирмоқ жоиз. Масалан, Шаҳрисабз туманидаги Қаттағон қишлоғида қишлоқ хўжалик учун кадрлар тайёрлайдиган 900 ўринли коллеж қурилиши 1999 йилда бошланган ва 2002 йилда тугаллаш кўзда тутилган эди. Бор-йўғи 80-90 миллион сўмлик иш бажарилиб, ўқув биноси кўтарила бошлагач, қурилишни молиялаштириш тўхтатилди. Қурилишни олиб бораётган «Сўғдиёна» ташкилоти энди бошқа тендерда ғолиб чиқиб, 750 ўринли касб-ҳунар лицейини таъмирлашга киришди. Қурилиш мутахассислари яхши биладиларки, чала қолган бино ўз сифатини йўқотади. Белгиланган муддат бузилади. Агар зарур бўлмаса, юқоридаги қурилишни бошламай турилса бўлмасмиди?

Хўп, мулоҳазаларни умумлаштирайлик. Биринчидан, тендер савдоси хўжакўрсинга ўтказилмаслиги лозим. Иқтисодий ночор ташкилотларнинг ҳам буюртма олаётгани буни исботлаб турибди. Иккинчидан, танловда нафақат қурилиш, балки савдо ташкилотлари ҳам иштирок этишса, қурилиш ашёларини ўз вақтида арзон етказиб бериш юзасидан мажбурият олсалар, айни муддао бўлур эди. Учинчидан, буюртмачи нафақат молиялаштиришга, балки қулай, арзон тушадиган, маҳаллий шароитга мос лойиҳаларни танлаш, уларга зарур ўзгартиришлар киритишни ўзаро ҳал қилиш, энг муҳими — сифатни назорат қилишга ҳам масъулдир. Демак, капитал қурилишга мутасаддилар замон билан бирга фикрловчи, жаҳон қурилиш тажрибасини яхши ўрганган кишилар бўлиши керак.

Йирик қурилиш ташкилотларидан бирининг раҳбари «бундай талаблар қўйилаверса, коллежларни тиклашга талабгорлар қолмайди», деган фикрни билдирди. Бунга берилаётган муддатнинг қисқалиги, ашёлар қимматлиги, текшир-текшир кўпайиши, зарур механизмлар етишмаслигини сабаб қилиб кўрсатди.

Йўқ, бу масъулият олдидаги қўрқув эмасди. Ким ҳам мўмай пул берадиган буюртмадан юз ўгиради дейсиз. Бироқ, у бозор талаблари қаттиқлигидан ташвишда эди. Қурилишларни эса иштиёқ билан зиммага оладиган ташкилот ва қурувчилар чиқаверишади. Белни маҳкам боғлаб, ўқув масканларини жаҳон андозаларига мос қилиб қуришаверади. Чунки эплининг иши ҳамиша зебли бўлади.

■ **Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

**Хабарингиз бор, Наманган шаҳридаги «Нестле» Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонаси фаолият кўрсатаётганига ҳали кўп вақт бўлганича йўқ. Лекин, шу қисқа фурсат ичида қўшма корхона республикамиз аҳолисига яхши танилиб улгурди. Бу корхона нафақат мамлакатимиз аҳолиси учун, балки қўшни республикалар эҳтиёжи учун ҳам сифатли маҳсулот етказиб бермоқда.**

**«Нестле» тамғаси билан маҳаллий хомашёлардан ишлаб чиқарилаётган табиий тоза сут ва сут маҳсулотлари, болалар таомлари, айниқса, ёзнинг иссиқ кунларида юртдошларимиз жонига оро кираётган «Тоза ҳаёт» номли газли ва газсиз сув барчага манзур бўлмоқда.**

✧✧✧

***Суратларда:*** 1. Оператор қадоқловчилар Мадамин Жалолов ва Турғунпўлат Набиев иш устида. 2. Оператор-қадоқловчи Жаҳонгир Ғаниев.

## «НЕСТЛЕ» МАҲСУЛОТЛАРИ БАРЧАГА МАНЗУР

■ **Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.**

# ЎЗИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Дарҳақиқат, Навоий вилоятида ҳам пойтахтдаги каби дори-дармон, ноёб тиббий шифо воситалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунга вилоят «Дори-дармон» акциядорлик жамияти қошида ташкил этилган «Авиценна» ишлаб чиқариш кичик корхонаси орқали эришилди. Хориж технологияси ва асбоб-ускунасига эга бўлган бу янги корхонада ҳозир қон ивишининг олдини олишда ишлатиладиган дорилар тайёрланаяпти. Шунингдек, йод эритмаси ва бошқа тузли бирикмалар ҳам тайёрланмоқда.

— Айни пайтда корхонада ўнлаб у ёки бу турдаги дорилар тайёрланаётган бўлса, — дейди вилоят «Дори-дармон» жамияти раиси Ғулом Орзиев, — келгусида бу ерда 50 га яқин доривор препаратлар ишлаб чиқарилади.

Яна бир муҳим жиҳати, ўнлаб доришунос ёш мутахассисларнинг турғун иш жойлари билан таъминланганидир.

■ **Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

# ЯГОНА ВАКИЛЛИК



## ЁКИ «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» АХБОРОТ

***Жаҳоннинг етакчи таҳлилчи мутахассислари молиявий муассасалар ва ташкилотларнинг ахборот тизимларини глобал қайта тузиш даври келганини таъкидлашмоқда. Ҳолбуки, эндиликда молиявий сохадаги бизнеснинг муваффақияти — аввало, мижозларнинг жорий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда осон мослашувчи, интеграциялашган, тезкор ахборот инфратузилмасининг мавжудлигидир. Тижорат банкларининг янги ахборот технологияларига боскичма-боскич ўтиши ҳам муҳим.***

***«Ўзсаноаткурилишбанк» «Intranet» технологиялар базасида маълумотларни қайта ишлаш марказий тизимига ўтиш бўйича ишни ташкил этган республиканинг дастлабки банкларидан бири. Жорий йилнинг июлидан банк ўз фаолиятини ягона вакиллик ҳисоб варағи асосида амалга оширишга киришиб, ягона балансга ўтишни кўзламоқда. Мухбиримизнинг «Ўзсаноаткурилишбанк» Тўловлар тизими ва ахборотлаштириш департаменти директори Ф.А. ШАМШИЕВ билан суҳбати ҳам ана шу мавзуга бағишланди.***

**— Фарҳод Асатуллаевич, ягона вакиллик ҳисоб варағи, деганда нима назарда тутилади?**

— Банк муассасаси учун вакиллик ҳисоб варағи — бу банкнинг ўзига хос «ҳисоб рақами»дирки, унда тижорат банкининг барча маблағлари (банк мижозларининг маблағлари, ўз сармоялари ва жалб этилган ресурслар) сақланади. Вакиллик ҳисоб варақлари орқали банклар ўз мижозларига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ операцияларнинг бутун бир даврасини, шунингдек, банк хўжалик субъекти сифатида ўз операцияларини ҳам амалга оширади. Ҳозирги вақтгача ана шу операциялар банклараро даражада ўта ноқулай тизимда ўтказиб келинаётганди.

Айтайлик, маблағларни тўловчи ва олувчи турли банклар хизматидан фойдаланади ёхуд банкларнинг ўзаро кредитлаши ва нақд пулларнинг кўчиб юриши билан боғлиқ вазият рўй беради. Бундай ҳисоблар ҳозирги вақтда тижорат банкининг ҳар бир филиали балансида очилган вакиллик ҳисоб варағи орқали амалга оширилаяпти. Ўз навбатида, тижорат банклари барча филиалларининг вакиллик ҳисоб варақлари ана шу мақсадлар учун махсус ташкил этилган идора — Марказий банкнинг ҳисоблашлар марказида жойлаштирилган. Шундай қилиб, ҳар қандай тўлов пул маблағлари жўнатмаларининг кўп даражали тизимини ташкил этади. Ҳисоб-китоблар юритишнинг бундай тизими ҳатто битта банкнинг ўзидаги филиаллар ўртасидаги операциялар чоғида ҳам амал қилмоқда. Бу банклараро ҳисоблашларни ташкил этишнинг ўта самарасиз ва марказлашган деб аталувчи вариантидир. Илгари ундан воз кечиш учун техник хусусиятга молик бир қатор жиддий муаммолар имкон бермасди. Ҳозир эса улар муваффақиятли ҳал этилаётир. Натижаси эса яққол кўриниб турибди.

**— Ягона вакиллик ҳисоб варағига ўтиш нима билан боғлиқ? «Ўзсаноаткурилишбанк» бунга қанчалик тайёр эди?**

— Республикамиз ҳукумати банк тизимини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Чунончи, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги 104-сон қарорида банк тизимида ахборот технологияларини ривожлантириш бўйича аниқ йўналишлар белгилаб берилган. Банклар фаолияти оперативлигини ошириш, халқаро молиявий бозорлар билан интеграциялашув учун шароитларни таъминлаш мақсадида замонавий халқаро андозаларга мос ахборот-компьютер инфратузилмасини, банклараро маълумотларни ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш сари йўл тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги тегишли қарори эса банк ахборот тизимини ривожлантиришга янги омил бахш этди.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ: ЭКОЛОГИК ДАСТУР АМАЛДА

# ҲАММАМИЗНИНГ ИШИМИЗ

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг IV пленумида партиянинг Экологик дастури қабул қилинди. Унда экология, атроф-муҳитни асраш муаммоларининг аҳамияти алоҳида таъкидланиб, бу масала партия учун дастурий бўлиб қолиши эътироф этилди.**

**Хўш, жойлардаги партия ташкилотлари мазкур дастурнинг бажарилиши, унда олдинга сурилган ғоялар, мақсадларнинг рўёбга чиқиши учун қандай амалий ишлар қилаяпти? Партиядошларимиз йиллар давомида тўпланиб қолган экологик муаммоларнинг ечимини топишдаги ўз вазифалари, ўрни, зиммаларидаги масъулиятни ҳис этаяптиларми? Ҳаётимизга муайян даражада таъсир ўтказаётган ва соф экологик масала доирасидан чиқиб, ижтимоий-сиёсий муаммо даражасигача кўтарилаётган тупроқ, сув, ҳаводан оқилона фойдаланиш, наботот ва ҳайвонот оламига зиён-заҳмат етказмаслик учун нималар қилиш зарур?**

**Мухбиримиз партиянинг Жиззах вилоятидаги аъзоларидан айримларига шундай саволлар билан мурожаат этди.**

**Маматқул ИНОМОВ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг биринчи котиби:**

— Экологик дастур вилоятдаги 737 та бошланғич партия ташкилотларида ишлаб чиқилди. Ушбу масалага бағишланган йиғилишларда 26283 нафар партия аъзосининг 21 360 нафари иштирок этди. Улар партиянинг Экодастури айни зарур пайтда қабул қилинганлиги, унда табиат ва инсон ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилганини алоҳида таъкидладилар. Шу билан бир қаторда дастурда кўрсатиб ўтилганидай: «Биз табиатни бўйсундирамиз», «Инсон табиат устидан ҳукмрон» сингари аксилэкологик шиорлар остида табиий жараёнларга ўйламай аралашувлар оқибатида вилоятимизда ҳам тупроқнинг шўрланиши, экин майдонлари мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш масалаларида муаммолар пайдо бўлганлиги ҳақиқат эканлиги мажлисларда айтилди. Шу каби мушкул экологик мерос оқибатларини юмшатиш, фуқароларнинг яшаши ва фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган табиий муҳитни соғломлаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Жуманазар БОЙБУТАЕВ, Жиззах шаҳар Санитария-эпидемиология маркази шифокори:**

— Аввало «Партия нима учун бундай дастур ишлаб чикди ва уни қабул қилишдан мақсад ўзи нима?» деган саволга жавоб излаб кўрайлик. Аслида, инсон табиатнинг бир бўлаги, ажралмас қисми ҳисобланади. Ҳар қайсимиз атроф-муҳитни, табиатни авайлаб-асрар эканмиз, бундай хатти-ҳаракатимиз билан фарзандларимизнинг, неварачевараларимизнинг саломатлигини сақлашга, ҳаётларини гўзал қилишга ҳиссамизни қўшган бўламиз. Бинобарин, партия Экологик дастурни ишлаб чиқиш ва уни қабул қилиш орқали, биринчи навбатда, инсон саломатлигини, унинг бахтли яшашини таъминлашни назарда тутган, деб ўйлайман. Чунки, айрим фуқароларимизга хос бўлган лоқайдлик, нафс қулига айланиб, қандай бўлмасин даромад топайин, деган илинжда яшаш оқибатида теварак-атрофга, одамларнинг соғлиғига хавф солиш ҳолатлари содир этилаяпти. Бундайлар истеъмол учун яроқсиз озиқ-овқатларни одамларга пуллашдан ҳам тоймаяптилар. Масалан, шаҳардаги «Эски шаҳар» универсал бозори ҳудудида фаолият кўрсатаётган хусусий дўкон сотувчилари Г. Аҳмедова, С.Яхшиликовлар сотаётган ош тузидан намуна олиниб, лабораторияда текшириб кўрилганда, уларнинг истеъмол учун яроқсиз, соғлиқ учун зарарли эканлиги маълум бўлди. Шу ярим йилликда шаҳар бўйича 1,5 тоннадан ортиқ ош тузининг таркибида йод моддаси йўқлиги сабабли сотувдан олиб ташлангани нима дейсиз? Йодланмаган ош тузини истеъмол қилиш одамларда бўқоқ, қалқонсимон безнинг катталашуви, юрак хасталикларининг ҳуружи сингари асоратларга олиб келадики, инсоннинг бошқа бир инсон соғлиғига нисбатан бундай бефарқ муносабатини қандай изоҳламоқ мумкин? Шунинг учун ҳам дастурда истеъмолчиларни тоза, сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар шифокор сифатида менга жуда маъқул бўлди.

**Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ, вилоят Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раисининг ўринбосари:**

— Экологик дастурда «Партия она табиатга нисбатан эҳтиёткор бўлиш, атроф-муҳитнинг экологик мувозанатини сақлаш тарафдоридир», дейилган. Афсуски, яқин ўтмишда табиатга нотўғри муносабатда бўлиш туфайли кўп нарсаларни йўқотдик. Табиий тўқайзор ва қамишзорлар қисқариб кетди, ноёб ўсимлик ва ҳайвонот турлари камайди, айримлари бутунлай йўқолиш арафасига келиб қолди. Ўйламасдан, уволидан қўрқмасдан, дуч келган жойга, ҳатто оқар сувга ахлат ва чиқинди ташлайдиганлар пайдо бўлганини айтмайсизми? Шу йилнинг олти ойида вилоят бўйича табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларга зид хатти-ҳаракатлар содир этган 370 нафар фуқарога нисбатан 1 миллион 895 минг сўм жарима солинди. Келгусида, ҲДП Экологик дастурдан келиб чиқиб, фуқароларида, айниқса, ёшларда соғлом экологик онг ва экологик маданиятни шакллантиришга қаратилган ишларимиз таъсирчанлигини ошириш, табиат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир хатти-ҳаракатларни рағбатлантириш зарур, деб ҳисоблайман. Шу ўринда бир мулоҳазамни ҳам айтиб ўтсам: телевизор экранида ҳар куни ўнлаб, балки юзлаб видеоклип, рекламалар намойиш қилинаяпти. Афсуски, улар орасида экологик билимларни, табиатни муҳофаза қилишга оид ибратли ишларни тарғиб қиладиган, бу борада йўл қўйилган камчиликларни очиб ташлайдиганлари йўқ ҳисоби.

**Лапас МУРОДОВ, Зафаробод туманидаги А. Дўстов номли 10-ўрта мактаб директори:**

— Мактабимиз «Уч қаҳрамон» фермерлар уюшмаси ҳудудида жойлашган. Ёш авлодни табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашга жиддий эътибор бераяпмиз. Хусусан, «Гуллар ва қушлар байрами», «Экология ва саломатлик» деб номланган кўрик-танловларни ўтказиш анъанага айланган. Ўтган галги «Гуллар ва қушлар байрами»да мактабимиз ёш табиатсеварлари республикада биринчи ўринни қўлга киритдилар. Ўқитувчи-мураббийларимизнинг аксарияти ЎзХДП аъзоларидан иборат ва улар партиямизнинг Экологик дастурини қўллаб-қувватламоқда. Насиб этса, бундан буёғига экологик таълим ва тарбияни янада кучайтириб, бу масалада халқимизнинг урф-одатлари, анъаналаридан ўринли фойдаланишни кўзлаб турибмиз.

**Зулайхо ДОЛИЕВА, вилоят Кенгаши депутати:**

— Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, уни келажак авлод учун асрашга мумкин қадар кўпроқ фуқароларни жалб этган тақдирдагина кутилган самараларга эришамиз. Бу ишларда жамоатчилик назоратини йўлга қўйсак, табиатга зиён-заҳмат етказувчи ҳар қандай корхона, фуқарога нисбатан жамоатчиликда салбий муносабатни шакллантирсак, дастурнинг бажарилишига ҳисса қўшган бўламиз. Умуман олганда, Экологик дастурни ҳаётга татбиқ этиш нафақат партиянинг, балки ҳамманинг иши, умумхалқ вазифасига айланиши керак, деган фикрдаман.

■ **Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ ёзиб олди**

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

# ИСТИҚБОЛЛИ ИМКОНИЯТЛАР

Марказий Осиё ва Африка давлатлари орасидаги маданий-сиёсий алоқаларнинг тарихий илдизлари узоқ асрларга бориб тақалади. Масалан, XIV асрда яшаган Шимолий африкалик машҳур саёҳатчи Ибн Баттута ўрта асрларда бизнинг минтақа ҳақида қимматбаҳо ва мазмунан бой манба («Риҳлат Ибн Баттута») қолдирган. Амир Темур пайтида Миср билан яқин дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

Ўзбекистон ва Шимолий Африка мамлакатлари ўртасида бир пайтлар тарихий сабабларга кўра узилган сиёсий-иқтисодий ва илмий-маданий алоқаларнинг тикланишига эндиликда ижобий таъсир қилувчи бир неча омиллар бор.

Табиий заҳиралар — нефть, табиий газ, рангли металл ва қурилиш материаллари ана шундай омиллардан бўлиб, улар билан бирга дунё бозорига олиб борувчи асосий йўлларнинг жуғрофий яқинлигидир. Шунингдек, арзон ишчи кучининг кўплиги, тан олинган маданият ва маърифат марказларининг борлиги — Шимолий Африка мамлакатларининг халқаро сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатларда етакчи ўрин эгаллаб келишига сабаб бўлган. Қолаверса, бу омиллар қадим-қадим замонлардан Шимолий Африка мамлакатларининг халқаро соҳадаги фаоллигини мустаҳкамлаган. Уларнинг Африка давлатлари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистонда ўзларининг дипломатик ваколатхоналарини очганликлари сабаби ҳам шунда.

Хуллас, Миср Араб Республикаси, Марокаш, Жазоир, Тунис давлатларининг Тошкентда ўз элчихоналарини очганликлари ва Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитети араб дунёси томонидан амалий тан олиниши, Африка мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли сиёсий-иқтисодий ҳамкорлик бошланишига омил бўлди, дейишга тўла асос бор.

Африкадаги араб мамлакатлари ҳудуд жиҳатидан араблар дунёсининг ярмини, аҳолисининг умумий сони бўйича эса янада кўпроқни ташкил қилади. Масалан, 250 миллион нафарли араб дунёси аҳолисининг 150 миллион нафари қитъанинг шимоли ва шимоли шарқида жойлашган араб мамлакатлари аҳолисидир. Улардан энг йириги ва аҳолиси ўта зич жойлашгани Миср Араб Республикаси. Аҳолиси 1995 йилда 61 миллиондан ошган эди. Пойтахти — Қоҳирада аҳоли ҳозир 16-20 миллион атрофида. Шунингдек, Судан, Жазоир ва Марокашда 20-27 миллион аҳоли яшайди.

Миср Араб Республикаси билан алоқалар ривожи мамлакатимиз учун муҳим. **Биринчидан,** у араб Шарқининг энг йирик давлати сифатида араб мамлакатлари сиёсий ҳаётида норасмий етакчи ўрин тутади. Ҳатто молиявий жиҳатдан куч-қудратга эга — Саудия Қироллиги ҳам Миср Араб Республикаси билан бўлган алоқаларга алоҳида эътибор билан қарайди.

**Иккинчидан,** дунёнинг ва Африка қитъасининг энг йирик шаҳарларидан бири — Қоҳира халқаро сиёсий ва иқтисодий ҳаётда муҳим мавқега эга. Шаҳар чеккасидаги Шарм аш-Шайх курорт манзилгоҳида 1996 йил 13 март куни ўттиздан ортиқ давлат бошлиқлари иштирокида бўлиб ўтган терроризмнинг барча турларига қарши курашиш ҳаракатларини мувофиқлаштириш муаммосига бағишланган учрашуви бунга ёрқин далилдир.

**Учинчидан,** Миср — энг қадимги умумбашарий тараққиёт — цивилизация ўчоғи ва ҳозир ҳам жаҳонда йирик муҳим маданият марказларидан бири. Ал-Азҳар, Қоҳира ва Айн Шамс университетлари халқаро маданий ҳаёт саҳнасида Мисрнинг баланд рейтинги (нуфузи)ни ушлаб туришда салмоқли ўрин тутади. Ал-Азҳар фақатгина диний ўқув маскани эканлиги ҳақидаги фикр ҳозирги кунга, бошқача айтганда, ҳақиқатга унчалик тўғри келмайди. X аср охирларида айни шу номли масжид асосида бунёд этилган бу университет бугунга келиб, Қоҳирада ва бошқа мамлакатларнинг шаҳарларида дунёвий йўналишдаги 49 дан ортиқ ўз факультетларига эга.

Ўзбекистон учун Шимолий Африканинг бошқа мамлакатлари — Тунис, Жазоир, Марокаш ва Ливия билан ҳам сиёсий-иқтисодий ҳамкорлик қилишга қатор ижобий омиллар мавжуд. Масалан, Жазоир ўзбек пахтасининг кенг истеъмолчиларидан бирига айланиши мумкин.

Бундан ташқари, Тунис, Жазоир, Марокаш ва Ливия мамлакатлари билан тоғ-кон саноатида ҳам ҳамкорлик қилиш ижобий натижалар бериши мумкин. Чунки, бу мамлакатлар ҳам турли қазилма бойликларга, шунингдек рангли ва қимматбаҳо металлар заҳирасига эга.

Бу каби мулоҳазалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Шимолий Африка давлатлари билан алоқалар нафақат мавжуд имкониятларни, балки узоқ муддатга мўлжалланган истиқболли имкониятларни ҳам юзага чиқаришга омил бўлади. Зеро, ҳамма яхши ишлар дўстона ҳамкорликка боғлиқ.

■ **Азиз ЗИЁЕВ, Тошкент давлат шарқшунослик институти Халқаро алоқалар ва иқтисод факультетининг талабаси**

# ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ — БОШ МАСАЛА

Андижонда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими асосида аҳолини, ҳудудларни табиий ҳамда техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш бўйича вилоятда амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди. Йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг «Тошқин ва сел оқимлари, кўчки ҳодисаларининг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш тўғрисида»ги қарорининг ҳокимликлар ва мутасадди ташкилотлар томонидан бажарилиши текширилиб, сел ва тошқин рўй бериши мумкин бўлган ҳудудларда жойлашган аҳолини хавфсиз жойларга кўчириш, дарё қирғоқларини мустаҳкамлаш, ўзанларни тозалаш ишларининг олиб борилиши муҳокама этилди ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари белгиланди. Мажлисда республика фавқулодда вазиятлар вазири Б.Парпиев сўзга чиқиб, мамлакатимиз раҳбари томонидан ушбу тизим олдига қўйилган вазифаларга тўхталди. Йиғилишда фуқароларни муҳофаза қилиш бўйича аниқ чора-тадбир белгиланди.

■ **Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Матбуот хизмати**

# ЧЎЛДАГИ ЯШИЛ ТЎСИҚ

Қоракўл тумани ўрмон хўжалиги ишчиларининг кучи билан пахта ва бошқа маданий ўсимликларни гармселдан ҳимоя қилиш учун 10 километр узунликда яшил тўсиқ яратиляпти.

Ўрмон хўжалиги мутахассисларининг фикрича, айни вақтда экилаётган саксовуллар бир неча йилларидан кейин пахта ҳосилига, узумзору боғларга қирон келтирувчи беаёв шамол ва қум бўронлари йўлида тўсиқ вазифасини ўтайди.

Ўрмончилар ҳар йили 200-300 гектар ерда ана шундай яшил майдонлар яратишмоқда. Ҳозир хўжалик ҳудуди 122 минг гектарни ташкил этади. Ўрмончилар ўз хўжаликларини чўл ҳужумидан тўлиқ ҳимоя қилиш учун ҳали кўп тер тўкишлари керак бўлади.

■ **«Туркистон-пресс»**

## РАҚАМЛИ ТЕЛЕСИГНАЛГА ЎТИЛАДИ

Алоқа воситалари бўйича АҚШ федерал комиссияси америкалик телевизор ишлаб чиқарувчилар учун янги қарор қабул қилди. Унга кўра, эндиликда телевизорларга симсиз узатиладиган, яъни рақамли телесигналлар қабул қилувчи техник мослама ўрнатилади. Янги қарор 2004 йилдан эътиборан кучга киради. Бу давргача экрани 39 дюймлик телевизорлар (албатта ишлаб чиқарилганлари)нинг барчасига янги мослама ўрнатилиши лозим.

2007 йилга бориб эса бу мосламани каттакичик кўринишдаги барча телевизорларга жорий этиш амалга оширилади. Шундай қилиб, тез орада рақамли телевидениега ўтилади, деб хабар беради CNN телекомпанияси мухбирлари.

## ШИФОХОНАДАН ЧЕТЛАТИЛДИ

АҚШнинг Массачусетс штатидаги каттагина шифохона жарроҳи Дэвид Арндт яқинда ўз вазифасидан бўшатилди. Сабаб: жарроҳ операция пайтида беморни ташлаб, вексел билан боғлиқ банкдаги ишини битириш учун кетиб қолган.

35 минутдан сўнг қайтиб келиб, операцияни муваффақиятли якунлаган. Тўғри, у кетган пайтда бемор ҳеч қандай азият чекмаган. Беморнинг ҳам жарроҳга нисбатан шикояти йўқ. Аммо тиббиётнинг айрим қоидалари борки, уни бажармаслик қонундан четга чиқиш билан тенг. Шунинг учун ҳам штатнинг тиббиёт бошқармаси Дэвиднинг бу «қилиғи»ни «беморнинг соғлиғига ва хавфсизлигига тажовуз» деб баҳолади ва ишдан бўшатди.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ КЎЧАЛАРИДА

## ЎЗ БОЛАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШГАН

Америка ва Европа полицияси ҳамкорликда ўтказган операция натижасида 20 киши қамоққа олинди. Улар интернетда болалар порнографиясини тарқатиш ва сотиш билан шуғулланганлар. Шуниси ажабланарлики, улар ўз фарзандлари суратларидан фойдаланишган.

Операциядан сўнг 45 нафар боланинг ота-онаси оталик ва оналик ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Қамоққа олинганларнинг 10 нафари америкалик, 10 нафари эса Европа давлатлари фуқароларидир, дейилади Reuters ахборот агентлиги тарқатган хабарда.

## БОМБА ТОПИЛМАДИ

Польшанинг «LOT» авиакомпаниясига қарашли самолёт учиб кетаётиб фавқулодда қўнишга мажбур бўлди ва Нью-арк шаҳри (АҚШнинг Нью-Жерси штати) аэропортига қўнди. АҚШнинг разведка федерал бюроси вакили Сандра Кэрролннинг айтишича, учувчилар парвозда Варшава полициясидан террорчилар томонидан самолётга бомба жойлаштирилганлиги ҳақидаги хабарни олишган.

Аэропортнинг алоҳида жойида самолёт ва унинг 189 йўловчиси синчиклаб текширувдан ўтказилди. Бироқ ҳеч қандай бомба топилмади.

## ВУЛҚОН КУЧАЙИБ БОРМОҚДА

Папуа-Янги Гвинея оролидаги Маунт Паго вулқони фаоллашиб бормоқда. Вулқон оғзидан отилаётган буғ ва қуллар бир неча километрга кўтарилмоқда. Вулқоннинг ҳаракатга келиши ўтган ҳафтанинг душанбасидан бошланган. Бироқ, ҳали лава отилганича йўқ.

Полиция берган маълумотларга кўра, шу кунгача хавфли ҳудуддан 8 минг киши бошқа жойларга кўчирилган.

Мутахассисларнинг айтишларича, Маунт Паго ҳали ёш вулқонлардан ҳисобланаркан. Унинг ёши тахминан 350 йилга тенг. Аммо у ёш бўлса-да, ўта кучли вулқонлар таркибига киради.

БАНК ТИЗИМИ

# ҲИСОБ ВАРАҒИ

## ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА

Шуни айтиш керакки, банкимиз бошқаруви ушбу муҳим масалага алоҳида эътибор бермоқда. Ягона вакиллик ҳисоб варағининг жорий этилишига келсак, у бошқарув томонидан белгиланган йўналишлардан бири ҳисобланади.

«Ўзсаноатқурилишбанк» ягона вакиллик ҳисоб варағига ўтиши билан банкни бошқаришнинг энг замонавий сифат даражаси, активларнинг самарали бўлиши учун методологик ва технологик базани модернизациялаш, мижозларга кўрсатиладиган хизматлар турини кенгайтириш таъминланмоқда.

Дарвоқе, ягона вакиллик ҳисоб варағи жорий этилгунига қадар «Ўзсаноатқурилишбанк» тизими кўламида ресурслар ва таваккалчиликни оператив бошқаришнинг имконияти йўқ эди. Таъкидлаш жоизки, филиаллар бўйича банк хизматларини кўрсатиш турлари ва шартларини танлаш амалда банк ресурсларини оператив қайта тақсимлаш, филиаллар даромадлиги ва ликвидлигини бошқариш, таваккалчилик турларини камайтириш даражаси билан ҳал этилади. Оперативлик юқори бўлган сайин хизматлар сифати ҳам ошиб бораверади.

Одатий банк вазифалари билан бир қаторда кўп филиалли бўлган «Ўзсаноатқурилишбанк» ўзига хос вазифаларни ҳам ҳал этишига тўғри келмоқда. Чунончи, кредит портфелини шакллантириш чоғида кўпинча турли минтақаларда жойлашган филиалларининг мижозлари ҳақида, улар томонидан берилган кредитлар, ана шу кредитларнинг аҳволи ҳақидаги маълумотларни жамлаш зарурияти туғилади. Боз устига, олинадиган барча ахборот оператив бўлиши керак. Банкнинг барча филиаллари ахборот тизимларини ягона ҳисобга олиш сиёсатини ўтказиши зарурияти ҳам шундан келиб чиқади. Унга ҳисоб варақлар режасини ташкил этиш, шахсий ҳисоб варақларни очиш қоидаларини ишлаб чиқиш ва банк операцияларини амалга ошириш чоғидаги қайдномани бажариш, бириктирилган ички ва хазинага оид ҳисоботни тайёрлашни киритиш ҳам керак.

Шунингдек, банк хизматларини кўрсатиш таркиби ва шартларини бошқариш ҳам муҳим ҳисобланади. Табақалаштирилган ёндашув филиаллар учун валюталар таркиби, валюталар билан операциялар ўтказиш ва бу операциялар бажариладиган савдо курслари коридорини тайинлаш чоғида ҳам зарур. Юқорида санаб ўтилган вазифаларни авваламбор, ягона вакиллик ҳисоб варағи орқали ҳисоб-китоб қилиш, кейинчалик эса марказлашган ҳолда банк ахборотларини ишлаш ва ягона балансни шакллантириш йўли билан муваффақиятли ҳал этиш мумкин.

Агар «Ўзсаноатқурилишбанк» тарихига назар ташланса, банк мутахассислари ягона вакиллик ҳисоб варағи технологиясига жуда ўхшаш тизимда ишлашнинг етарли амалиётига эга эканлигини айтиш керак. Лекин муқаддам ахборот технологиялари ҳали ривожланишнинг бошланғич босқичида турганди. Телекоммуникациялар ахборотларни лозим даражада оператив узатишга имкон бермасди. Шунга қарамай, банк мутахассислари кўпгина иш тажрибасини тўплашганда, техникавий лойиҳаларни тузиш ва янги технологиялар механизмини ишлаб чиқишда бу жуда қўл келди.

**— Ягона вакиллик ҳисоб варағига ўтишдан қандай самара кутилмоқда?**

— Бундан банк фаолияти самарадорлиги ошади. Катта даромад олиш эса банкларда капиталлаштиришнинг кам самарали соҳаларига қўйилган активлари массасини камайтиришга боғлиқ. Ҳозиргача республика Марказий банкидаги мавжуд вакиллик ҳисоб варақларида тижорат банкининг ҳар бир филиали учун маблағларни заҳиралаш амалиёти ана шундай бесамар капиталлаштириш мисоли ҳисобланади. Шунга мувофиқ тижорат банкининг бош банкда ягона вакиллик ҳисоб варағи ва ягона баланс шароитларида ишлашини таъминлаш тижорат банки фаолиятининг даромадлилигини ошириш тизим ечимларидан биридир. Ягона вакиллик ҳисоб варағини жорий этишнинг самарадорлиги катта. Бунда банк ресурсларини оператив қайта тақсимлаш ва улар билан ишлаш самарадорлигини ошириш имконияти асосий устун ҳисобланади.

Ҳадемай, кейинги босқич — маълумотларни марказлашган тарзда қайта ишлаш ва сақлашга, ягона балансда ишлашга ўтилади. Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши, банк фаолиятини бошқаришнинг сифат жиҳатдан янги босқичига ўтишимиз учун имкон яратади.

■ **Суҳбатни Алишер РЎЗИЕВ ёзиб олди**

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон халқ шоири

# ҲАР ЙИЛГА МЕН ЎЗНИ МАСЪУЛ СЕЗГАЙМАН...

## ЎН БИРИНЧИ ДУР

*Ҳар йилга мен ўзни масъул сезгайман,*
*Йиллар шодасига бир дур тизгайман.*

*Фараҳбахш кунлардан то кўнглим тўлди,*
*Шодада дурларим ўн битта бўлди.*

*Ҳар битта дуримнинг номи бор, алҳол,*
*Ҳар бири бетакрор, юлдузлар мисол.*

*Озод Ватанимдан нишон ҳар бири,*
*Жам унда халқимнинг фахри, ғурури.*

*Умр тугар балки, туганмас шода,*
*У инсон умридан фузун, зиёда.*

*Бу Ҳурлик маржони қолмагай ярим,*
*Уни тўлдиради набираларим.*

## ВАТАНДОШ

*Магар бир лаганда ош еган билан,*
*Ёки битта тилда сўз деган билан,*
*Улар ҳали буткул ватандош эмас.*

*Тўғри келса агар дили дилига,*
*Садоқати бўлса туққан элига,*
*Улар ватандошдир ҳар зум, ҳар нафас.*

## ЯХШИ ОДАМ

*Бир кун донишмандга бердилар савол:*
*Айтинг-чи, дунёда яхши одам ким?*
*Севиб ардоқласа элу юрт хушҳол,*
*Чиндан яхши одам ўшадир балким?*
*Донишманд дедики: Майли, ҳар ким ҳам*
*Яхши бўлгум дея ҳар зум уринсин.*
*Майли, яхшиларга ёқсин у одам,*
*Лекин ёмонларга ёмон кўринсин!*

## ЧАЛА ИМОРАТ

*Оғзин очиб ётар чала иморат,*
*Атрофи ўра-ю тошдан иборат.*

*Ҳар ён чакалакзор, бурган ва янтоқ,*
*Остона ўйилган, узилган равоқ.*

*Хотирами дейсан у қаттол жангдан,*
*Ё ёдгор асрлар қолдирган чангдан.*

*Қора туйнукларда увиллар шамол,*
*Қамиш том ғижирлар маҳзун, бемажол.*

*Баҳор, ёз ўтади, ҳануз у чала,*
*Каламушлар ғуж-ғуж, қушлар ҳам гала.*

*Ташландиқ бу уйнинг соҳиби кимдир?*
*Ё, фалак! Бу ҳолнинг сабабин билдир!*

*Бир қуш ярим тунда беради садо,*
*Саволимга жавоб қилгандай гўё:*

*— Не керак гапингнинг нега, негаси,*
*Ё шоир, ё марҳум бунинг эгаси.*

## ЗИЁРАТ

*Бобо набирасин етаклаб бир кун,*
*Қабристонга борди зиёрат учун.*

*Марҳумларга тилаб ажру ҳаловат,*
*Бобо тиз чўкканча қилди тиловат.*

*Набира сўради: — Бобо, булар ким?*
*Бобо жавоб қилди: яхшилар, ўғлим.*

*Набира дафъатан сўз қотди шу он:*
*— Ёмонларнинг қабри қайда, бобожон?..*

## ЖАННАТ ҚУШИ

*Жаннатга етишган банда яйрабди,*
*Оҳанг эшитилмиш даставвал унга.*
*Бугун боғимизда булбул сайрабди,*
*Тегмангиз, лоақал сиз шунга...*
*Майли у тўйгунча таратсин оҳанг,*
*Тегмангиз, мухлислар, тегманг, дарғалар!*
*Ахир қулоқларни қилганди батанг,*
*Қағиллайверишиб қарғалар...*

## ИЛТИЖО

*Ғоятда чарчадим,*
*Толиқдим ғоят,*
*Ҳисоб қилавериб ғанимни, ёвни.*
*Тирноқча яхшилик тиласанг, фақат*
*Ука, ёмонлама менга бировни.*

*Инсон яшар ахир эзгуликка зор,*
*Санаб етарми у йўлларда ғовни.*
*Мен ҳам ором олай ҳеч қурса бир бор,*
*Ука, ёмонлама менга бировни.*

## ОСОН ЭМАС

*Яшаш осон эмас яхши одамга,*
*Алдов нималигин билмайди чунки.*
*Ғўдак кўзи билан боқар оламга,*
*Мудом бошқаларга бўлади кулки.*
*Яшаш осон эмас яхши одамга,*
*Чунки ёмонликдан қилар у ҳазар.*
*Яхшининг кераги камдир оламга —*
*Ёмонликнинг дасти узун бўлса гар...*

## РИВОЯТ

*Бир кун халойиқнинг олдида ошкор*
*Муттаҳам ўғрининг қўлин чопдилар.*
*Ниҳоят жазосин олдику маккор!*
*Йиғилган одамлар таскин топдилар.*
*Ўғри-чи атрофга боқиб ҳар нафас,*
*Сизнинг гўллигингиз билгандим дерди.*
*Ўша ўғирликни у қўлим эмас,*
*Буниси билан мен қилгандим дерди.*

## ЭЪТИРОФ

*Ҳар ким ўз умрини қилса сарҳисоб,*
*Турфа ҳодисалар тушгай ёдига.*
*Кимдир ариқ қазган ё чалган рубоб,*
*Ҳар ким баҳо бергай ўз ҳаётига.*
*Турфадир дунёнинг ҳатто озори,*
*Шодлиги ҳам турфа қадимдан-қадим,*
*Мен ҳам шеърлар ёздим кўплар қатори*
*Лекин бошқалардан кўпроқ... алдандим.*



## ТЎРТЛИК

*Дедилар, дунёда асли ким азиз,*
*Айтдилар, устоздир, устоз бегумон.*
*Тағин айтдиларки, азиз шубҳасиз*
*Устозин қадрига етолган Инсон.*

## ҚЎМСАШ

*Оҳ, яхши кунларим,*
*Сизни қўмсайман.*
*Сиз энди боламнинг ўйисиз.*
*Оҳ, яхши кунларим,*
*Сизни қўмсайман.*
*Сиз энди набирам тўйисиз.*
*Оҳ, яхши кунларим,*
*Сизни қўмсайман.*
*Сиз энди эртага саломим.*
*Оҳ, яхши кунларим,*
*Сизни қўмсайман.*
*Сиз балки қолажак каломим...*

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 136-53-21
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 671

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

ИСТИҚЛОЛ КАШФ ЭТГАН ЮЛДУЗЛАР

# «МУШТИ ҚАТТИҚ, КЎНГЛИ БЎШ...»

## СИДНЕЙ ОЛИМПИАДАСИ ЧЕМПИОНИ, БОКСЧИ МУҲАММАДҚОДИР АБДУЛЛАЕВ БИЛАН СУҲБАТ

**Профессионал боксда ҳам чўккиларни кўзлаётган ҳамюртимиз навбатдаги учрашувга тайёргарликни пойтахтимиздаги «Динамо» спорт мажмуида ўтказди. Лас-Вегасга учиб кетиш олдидан Тошкент аэропортида Муҳаммадқодирни суҳбатга тортдик.**

**— Муҳаммадқодир, ҳаваскорлар боксида сиз ҳамма юксак натижаларга эришиб қўйдингиз. Қитъа, жаҳон, олимпия чемпионлиги... Профессионал боксдаги ниятларингиз қандай?**

— Дунёда профессионал боксга қизиқиш, эътибор ниҳоятда катта. Сидней олимпиадасида олтин медални қўлга киритгач, мамлакатимиз Президентига профессионаллар ўртасида ҳам жаҳон чемпионлигини қўлга киритаман, деб сўз бергандим. Шу боис, ваъдамнинг устидан чиқишга бел боғладим.

**— АҚШда профессионал бокс клублари талайгина. Шароитлар ҳам яхши. Шунга қарамай, мураббийингиз билан Тошкентда ҳозирлик кўрганлигингизни қандай изоҳлайсиз?**

— Тўғри, Лас-Вегасда барча имконият бор. Фақат мени Она-юрт соғинчи Ўзбекистонга чорлади. Ахир Ватанимни, ота-она, ёру биродарларимни кўрмаганимга тўрт ойдан ошган эди-да! Мана ўз уйимда, маҳалладошларим даврасида бўлдим. Уларнинг дийдорига тўйдим. Бир ойга яқин пойтахтимиздаги «Динамо» спорт мажмуида машғулотлар ўтказдим.

**— Профессионал боксда сизга мураббийлик қилаётган Кенни Адамс ҳақида нима дея оласиз?**

— У асли америкалик. Адамс билан илк суҳбатимиз чоғидаёқ, у мени олимпия чемпиони бўлмасимдан илгари таниганлиги, айниқса, Сиднейда олтин медалга сазовор бўлганимдан сўнг менинг профессионал боксга ўтиш ниятим бор-йўқлиги ҳақида баъзилар орқали билишга ҳаракат қилганлигини айтди. Адамс билан тезда тил топишиб кетдик. Жуда қаттиққўл ва талабчан.

**— Профессионал боксда жаҳон чемпионлиги учун қачон рингга чиқасиз?**

— Ҳозиргача 8 та рейтинг жанглари ўтказиб, барчасида ғалаба қозондим. Худо хоҳласа, яна беш-олти рақибни мағлубиятга учратсам, жаҳон чемпионлиги учун рингга чиқаман.

**— Олтин камар учун бўладиган жангда кимлар сизга асосий рақиб бўлиши мумкин?**

— Ишқибозларга яхши маълумки, Сидней олимпиадаси финалида америкалик Рикардо Уилямса қарши рингга чиққандим. Ҳозир йигирма бир ёшли бу боксчи профессионаллар орасида 8-9 та жанг ўтказиб, барчасида ғалаба қозонган. У ниҳоятда кучли, ўзига ишонган спортчи. Уни асосий рақибларимдан бири санайман. Чунки, Уилямс ҳар бир жанггида «Муҳаммадқодирни ҳам албатта ютаман», деб интервью беради. Мен эса унга жавобан: «Ҳаваскорлар боксида икки марта ғалаба қилдим. Насиб қилса, профессионалда ҳам ютаман, деб Лас-Вегасга келдим» дейман. Қолаверса, ҳозирда олтин камарни ўзида сақлаб турган боксчи билан ҳам рўбарў келишим мумкин.

**— Айни чоғда неча килограмм вазнда рингга чиқяпсиз?**

— Ҳозир 63,5, баъзан 67 кг. вазнда жанг ўтказаяпман. Бу сафар кўрамиз, агар вазн ташлаш қийин бўлса, 67 килода жанг ўтказаман. Бу вазнда эса Костя Зу (Константин Цзю) асосий чемпион. Мухлисларим дуо қилиб туришса, бир йил ичида уни енгишга интиламан.

**— Сидней олимпиадаси чемпиони бўлганингизда марҳум Муҳаммад Юсуф «Мушти қаттик, кўнгли бўш бола» дея сизга шеър битганди. Сизнингча, Олимпия чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев қандай йигит?**

— Менинг дунёга танилишимда барча юртдошларимнинг беқиёс хизматлари бор. Ватан, Президентимиз, қолаверса, ота-онам, мухлисларим олдида ҳали қарзим кўп. Улар мендан нимани кутишаётганини яхши биламан. Худо хоҳласа, юртимга олтин камарни олиб қайтаман. Муҳаммадқодир гапида турадиган йигит, деб ўйлайман.

■ Эркин ХОЛБОБО, Улуғбек ҲАКИМЖОНОВ

✧✧✧

*Суратда:* М. Абдуллаевнинг навбатдаги ғалабаси.

Муҳаммад АМИН олган сурат.

СПОРТ

## КУРАШЧИЛАРНИ КУТМОҚДА

Маълумки, 30-31 август кунлари Арманистон пойтахти Ереванда кураш бўйича IV жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Халқаро Кураш ассоциациясидан олинган хабарларга кўра, ушбу мусобақада дунёнинг элликдан ортиқ давлатлари спортчилари қатнашиши кутилмоқда. Мазкур чемпионат аввалгиларидан шу жиҳати билан фарқ қиладики, унда ер юзининг беш қитъаси полвонлари иштирок этишади.

— Мусобақалар Еревандаги муҳташам «Динамо» спорт мажмуида ўтказилади, — дейди пойтахтимиздаги Арман миллий маданияти маркази раиси Артур Стамболцян. — Баҳсларни юқори савияда ташкиллаштириш учун Арманистон ҳукумати ва Арманистон Кураш миллий федерацияси барча шарт-шароитларни муҳайё этган. Марказимиз ўзбекистонлик кураш ишқибозларига қулайлик яратиш мақсадида Ереванга бир ҳафталик саёҳат уюштирмоқда. Кураш мухлислари ажойиб спорт мусобақаси ва гўзал Ереваннинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиш имконига ҳам эга бўладилар.

Жаҳон чемпионатида эркаклар 73, 81, 90 кг. ва мутлақ, аёллар эса 57, 63 кг. ва мутлақ вазн тоифаларида гиламга чиқадилар. Баҳсларда юртимизнинг ўндан ортиқ полвонлари қатнашиши кутилмоқда.

## АУТСАЙДЕР «АНЪАНА»НИ БУЗДИ

Футбол бўйича олий лига жамоалари навбатдаги баҳсларни ўтказишди. «Пахтакор» ҳамда «Нефтчи» жамоалари Ўзбекистон кубогининг финал учрашувида ўзаро куч синашганликлари туфайли 17-турдаги «Нефтчи» — «Зарафшон», «Машъал» — «Пахтакор» ўйинлари бошқа кунга кўчирилди.

Турнинг қолган учрашувлари анча кескин ўтди. Мавсум аутсайдери «Сурхон» мухлислари ўз жамоаларининг ғалабаларини анчадан бери соғиниб қолишганди. Охирги турни ўз майдонларида «Қўқон-1912» футболчиларига қарши ўтказган термизликлар узоқ танаффусдан сўнг ғалабага эришдилар — 3:1. Андижонда эса Ҳаким Фузайлов шогирдлари бош мураббийнинг собиқ жамоаси «Самарқанд-Динамо»ни доғда қолдирди — 4:2. «Навбаҳор» — «Трактор» ўйинида 4:1 ҳисоби қайд этилди. Бу наманганликларнинг кетма-кет иккинчи йирик ғалабасидир.

Қолган ўйинлар қуйидагича якунланди: «Металлург» — «Бухоро» —2:1, «Қизилқум» — «Сўғдиёна» — 2:1, «Дўстлик» — «Насаф» —1:2. 18-тур учрашувлари 17 августда ўтказилади.

■ Шаҳноза ЭРГАШЕВА

ЯНГИ НАШР

## «МЕЗОН» — МУХЛИС ДИДИГА МОС

«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси хайрли ишга қўл урди. Унинг муассислигида ёшлар учун мўлжалланган янги нашр — «Мезон»нинг нишона сони чоп этилди.

Лотин алифбосига асосланган ўзбек тилида чоп этиладиган мазкур газета ёшлар жаҳон фантехникаси ютуқларини эгаллашида зарур восита бўлиб хизмат қилади.

— Мақсадимиз ёшларимизни ушбу ихчам нашр орқали қизиқарли савол-жавоблар, ўзбек миллий маданияти, тарихи, дунё цивилизациясини бойитган даҳоларимиз мероси билан чуқурроқ таништиришдир, — дейди муассис, «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясининг бош директори Рустам Қосимов. — Айни пайтда таҳририят ижодий жамоаси иқтидорли ёшлар амалга ошираётган ишларни муттасил ёритиш ниятида.

Ҳар бир ёшнинг ўзи бир дунё, янги нашр ана шу «дунё» сирларини очишни ўзининг бош иш мезони, деб билади. Унинг дебочасидаёқ бошқотирмалар, детектив ҳодисалар, ёшларимиз учун жуда асқотадиган тиббий маслаҳатлар, севимли юлдузларнинг ҳаёти ҳақида турли-туман қизиқарли воқеалар ёритилганки, айнан бугунги мухлис дидига мос тушади.

«Мезон» ёшларнинг маънавий эҳтиёжини бироз бўлса-да қондирувчи, муштарий кутган дунёвий янгиликларни ёритувчи мезон бўлиб қолади, деб умид қиламиз.

■ Саида САЙХУН

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

*2002 ЙИЛ 5,7,9 АВГУСТ КУНЛАРИ*
биржа ва аукцион савдоларини ўтказди
Ўтказилган савдоларда
Жами 59 040 000 сўмлик объектлар сотилди.
Жумладан биржа савдоларида
22 та автотранспорт воситаси — 14 090 000 сўмга,
1 та маъмурий бино — 37 500 000 сўмга сотилди.
*2002 йил 9 август куни ўтказилган кимошди савдосида:*
А.Икромов туманида жойлашган 1 та ер майдони — 1 300 000 сўмга, Сирғали туманида жойлашган 7 та ер майдони — 6 150 000 сўмга сотилди.
❖❖❖
*2002 йил 13,20,27 сентябрь кунлари бўлиб ўтадиган кимошди савдоларига давлат фойдасига мусодара қилинган 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Н 0792 бўлган «Субару Импреза» қўйилган.*
**Бошланғич нархи — 1 021 932 сўм.**
**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй.**
**Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.**

«МИРОБОД БОЗОРИ» ОАЖ
акциядорлари диққатига!
**Ҳурматли акциядорлар!**
Жамиятнинг 2001 йил якунлари бўйича ҳисобланган дивидендларнинг тўланиши давом этмоқда. Акциядорларни ўз дивидендларини олишлари учун қуйидаги манзилга мурожаат этишларини сўраймиз: **Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, «Миробод бозори» ОАЖ БОЗОР МАЪМУРИЯТИ.**

Тошкент вилояти Янгийўл шаҳридаги педагогика билим юрти томонидан Тўхтаева Дилбар Соибеевна номига 1985 йил 20 мартда берилган ДТ №э 947440 рақамли имтиёзли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Салоҳиддин» масъулияти чекланган жамияти жамоаси «Шарофиддин» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Эркин ТОШМУҲАМЕДОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Масъулияти чекланган «Мулкдор-дизайн» жамияти жамоаси «Тошкент ҳафтаномаси» газетаси бўлим муҳаррири Талъат Юсуповга волидаи муҳтарамаси ИҚБОЛ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.